



ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК

Тадбиркори кўп юртнинг келажаги порлоқ бўлади

Муस्ताқиллик йилларида халқимиз томонидан амалга оширилган асрга татигулик ишлар кимнинг ким эканини жаҳон афкор оммасига кўрсатиб қўйди. Юртимизда қад ростлаётган ҳар бир бино ёки иншоот, ишлаб чиқариш корхоналари ривожланган давлатларникидан қолишмайди. Корхоналарда тайёрланаётган турли хилдаги маҳсулотлар эса дунё бозорларида аллақачон ўз ўрнини эгаллаб, рақобатни шакллантирган.

Мана шундай ютуқларга эришишда халқимизнинг меҳнатсеварлиги, бошлаган ҳар қандай режасини охирига етказмасдан қўймаслик каби фазилатлари мубассам. Қолаверса, давлатимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга кенг ўрин берилгани ва фаолияти қонулар билан кафолатлангани туфайли амалга оширилаётган ҳар бир жабҳадаги бунёдкорликда уларнинг қўшаётган ҳиссаси катта бўлмоқда.

Кўп кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, соҳада янги ва истиқболли лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, юртимизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга қўшаётган катта ҳиссаси, таъабубсозкорлиги, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиши янада кенгайтириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлида алоҳида жонбозлик кўрсатиб келаётган бир гуруҳ тадбиркорлар юксак мукофотлар билан тақдирланди.

Кувонарлиси, улар орасида қурилиш-бунёдкорлик соҳаси вакиллари ҳам бор. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда уларнинг маҳорат қадрланаётгани ва муносиб эътироф этилаётганидан далолатдир.

Илҳом РУСТАМОВ, Самарқанд шаҳридаги "Ahmadbek Qurilish Trio" масъулияти чекланган жамияти бош директори, "Дўстлик" ордени соҳиби:

Меҳнатларимиз давлатимиз раҳбари томонидан эътироф этилганидан миннатдорман. Фаолиятимиз аввалида "Elite building" компаниясини ташкил қилиб, жамоа аъзоларининг меҳнатсеварлиги ва соҳани пухта билишлари туфайли аста-секин ривожланди. Кейинроқ фаолиятимизни кенгайтириб, компания таркибига "Ahmadbek Qurilish TRIO" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилдик. Кейинги йилларда Самарқанд шаҳар инфратузилмасини ривожлантиришда жамоамиз ҳам кўп қаватли турар жойлар ва бошқа объектларни бунёд этиш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш орқали муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар ҳар қандай кишини кўпроқ изланишлар қилиб, мамлакатимиз иқтисодий ривожига ўз ҳиссасини қўшишга ундайди. Корхонамиз жамоаси ҳам яратилган шароитлардан унумли фойдаланмоқда. Яқинда жамоамиз меҳнати билан Ислохот маҳалласида бир нечта кўп қаватли турар жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу каби бунёдкорлик ишлари айни пайтда ҳам қизғин давом этмоқда. Менга берилган юксак мукофот, энг аввало, жамоамизга берилган мукофотдир. Зеро, уларнинг меҳнатлари туфайли шу даражага эришдик.

Абдулваҳоб АБСАТТОРОВ, Термиз шаҳридаги "Термиз қурилиш индустрия саноат" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, "Шухрат" медали соҳиби:

Корхонамиз нафақат Сурхондарёда, балки республика миқёсида бунёдкорлик ишларини амалга ошириш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш туфайли буюртмачилар эътиборига тушган. Жамоамиз билан ўндан ортик мактаб, шифохона, мактабгача таълим ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва кўп қаватли турар жойлар қуриб, элимизга наф келтиришга ҳаракат қиламиз.

Кейинги йилларда бунёдкорлик билан бир қаторда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш орқали фаолиятимизни кенгайтиришга бел боғладик. Жумладан, маҳаллий

хомашёдан темир-бетон, фишт, арматура, эшик-ром сингари ўндан ортик қурилишбоп материал тайёрлаб, бугунги кунда "Термиз қурилиш индустрия саноати" ёрлиги билан шартнома асосида худудларда қурилаётган объектларга етказиб берамиз. Бу орқали юртимиз ривожига ва аҳоли фаровонлигига ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз.

Меҳнатларимиз Президентимиз томонидан эътироф этилиб, "Шухрат" медали билан тақдирландим. Бу эътироф янгидан-янги изланишлар қилиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришда бизга катта куч бағишлайди.

Азимбой ЁРМЕТОВ, Шовот туманидаги "Шовот темир-бетон" хусусий корхонаси раҳбари, "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони соҳиби:

Хоразм вилояти маҳаллий хомашёга бой замин бўлгани учун улардан қандай қилиб фойдаланишни ўйлаб юрардим. Мақсадимни амалга оширишда соҳага йўналтирилган қарор ва ҳужжатлар дастуриламал бўлди. Уларга асосланиб, хорижий тажрибаларни мукамал ўргандим. Илтимозлиқ кредит асосида замонавий технологиялар олиб, ўз корхонамизни ташкил қилдим. Ишсиз юрган ёшларни қисқа курсларда ўқитиб, қурилишлар учун темир-бетон ҳамда бошқа материаллар ишлаб чиқаришга киришдик.

Айни пайтда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида бунёдкорлик фаолияти билан шуғулланаётган 20 дан ортик қурилиш ташкилотига шартнома асосида материал етказиб берамиз. Сифати ва чидамлилиги ҳамда арзонлиги учун буюртмачиларимиз сони ҳам янада кўпаймоқда. Шу сабабли, ҳозирда корхона фаолиятини кенгайтириш юзасидан янги лойиҳа устида иш олиб бораёмиз. Йил охиригача уни қўласак, яна ўн турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга эришамиз. Бундай имкониятларнинг барчаси юртимизда тадбиркорларнинг қўллаб-қувватланаётгани натижасидир. Келгусида ҳам юртимиз тараққиётга ҳисса қўшиш мақсадида ҳозиргидек шижоат ва ғайрат билан ишлашдан чарчамаймиз.

Абдували НАБИЕВ, Самарқанд шаҳридаги "Самарқанд керамика черепица" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони соҳиби:

Самарқанд шаҳрида бунёд этилаётган турли кўринишдаги бинолар, энг аввало, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва ижтимоий инфратузилмани замон талабига мослаштиришга хизмат қилмоқда. "Тадбиркор" тараққиёт таянчи" деб беқорга айтишмайди. Вилот маркази ва туман-шаҳарлар кифаси Янги Ўзбекистонга мос равишда шаклланишида тадбиркорлик субъектларининг ҳам ҳиссаси катта бўлаётганини алоҳида эътироф этиш керак. Корхонамиз ҳам амалга оширилаётган ишларга муносиб ҳисса қўшишни ўз олдига мақсад қилган. Шаҳар ва худудларда қурилаётган кўп қаватли уйлар ҳамда бошқа объектларнинг ички ва ташқи кўринишига жило бериш юзасидан лойиҳа ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаб, керамика ва черепица ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозирда маҳаллий хомашёдан бир неча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда ва улар сифати, маҳаллий иқлим шароитига тўла жавоб бериши билан қурилиш соҳаси вакилларининг эътиборига тушди.

Тадбиркорлик туфайли юртва танилдиқ ва давлат раҳбарининг юксак эътиборига сазовор бўлдик. Берилган имкониятларга жавобан жамоамиз билан бирга яна қўллаб-қўйишлар яратишда давом этавераимиз.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

УЧ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти, Тошкент архитектура ва қурилиш университети ҳамда Хитойнинг қурилиш соҳасидаги етакчи олий таълим муассасаси – Чонгқинг университети делегацияси аъзолари иштирокида учрашув ўтказилди.

Унда соҳага доир бир қатор масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, ҳамкорликда шаҳарсозлик норма ва қоидалари ҳамда стандартларни модернизация қилиш, институт ходимларига қисқа муддатли стажировкалар ташкил этиш, илмий-тадқиқот ишлари, конференция ва кўргазмалар ташкиллаштириш, лаборатория фаолиятини Хитой тажрибаси асосида такомиллаштириш шунлар жумласидандир.

Маълумот учун, Чонгқинг университети архитектура, электротехника, қурилиш, металлургия муҳандислиги, машинасозлик ва бошқарув фанлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлайди. Университетда ҳозирда 50 000 нафар талаба тахсил олади, шундан 20 000 нафари магистратура ва докторантура, 30 000 нафари эса бакалаврият талабаларидир.



Бундан ташқари, Чонгқинг университети, Тошкент архитектура ва қурилиш университети ҳамда Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти билан меморандум имзоланди. Комплекс синов лабораториясини ривожлантириш мақсадида имзоланган меморандум уч томонлама ҳамкорликнинг янги босқичини белгилаб берди. Ушбу келишувда лаборатория синов турларини кенгайтириш, хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда семинар ва конференциялар ўтказиш, халқаро стандартларга мос лаборатория фаолиятини ташкил этиш ва қурилиш санъатига мос равишда хизмат кўрсатиш режалаштирилган.

Шунингдек, илм-фан ва ишлаб чиқариш салохиятини юксалтириш мақсадида замонавий синов лаборатория фаолиятини ташкил қилиш ҳамда бу борада ўзаро ҳамкорликда ишлашга ҳам келишиб олинди.

Вазирлик мутасаддилари – Озарбайжонда



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Халқаро молия ассоциацияси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги ҳамда Адлия вазирлиги масъулларидан иборат делегация Озарбайжон Республикасида бўлдилар.

Хизмат сафарининг дастлабки кунинда Озарбайжон Республикаси Давлат шаҳарсозлик ва архитектура қўмитасида учрашув ташкил этилди. Унда Озарбайжонда қурилиш ишларига рухсат бериш бўйича давлат хизматларининг кўрсатилиши, архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги қонунийлик ҳужжатлари ҳамда соҳага тегишли бошқа тартиб-таомиллар юзасидан маълумот берилди. Томонлар ўзаро соҳадаги ўхшаш ва фарқли томонларни муҳокама қилдилар. Сўхбат давомида тизим такомиллашуви йўлида манфаатли ҳамкорлик имкониятлари ҳам кўриб чиқилди.

Шундан сўнг, Давлат уй-жой қуриш агентлиги фаолияти ўрганилди. Баку шаҳри Ясамал туманида янги барпо этилган уй-жой массиви билан ҳам танишдилар. Баку шаҳар шаҳарсозлик ва архитектура бошқармасида бўлиб, қурилиш соҳасида рухсат бериш бўйича давлат хизматлари электрон портали, ундаги замонавий қўллашмалар, соҳани рақамлаштириш ҳамда архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида назорат тизимлари бўйича олиб борилган ишлар ҳам кўздан кечирилди.

Ҳамкорлик учрашувларида бир қатор самарали келишувларга эришилди.



Ёшларга кўмак берилмоқда

Ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиш, уларни тўғри мақсадлар сари бошлаш энг хайрли ишлардан бири. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан ҳам бу борада қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, вазирликка бириктирилган 31 нафар оғир тонфадаги ёшлар билан мунтазам учрашувлар ташкил этилиб, уларни маънан қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилмоқда.

Сўхбатлар чоғида ёшларнинг саломатлигини тиклаш, ўз ишига эга бўлиш, зарурий хизмат кўрсатиш учун техника жиҳозларини харид қилиш, таълим харажатларини тўлаш каби масалалар қайд этилди. Яқинда монтаж устаси ва ИТ мутахассиси бўлишга астойдил бел боғлаган ёшларга вазирлик томонидан зарур техника воситалари тақдим этилди. Бундан ташқари, ҳозирда соғлигини тиклашга муҳтож бўлган яна 2 нафар ёшга тегишли шифохона ва клиникаларни аниқлаш ишлари амалга оширилиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва кенгайтириш масаласи бўйича муражат қилган йигит-қизларнинг сўровлари ҳам тегишли мутасаддилар томонидан ўрганилмоқда.

Соҳа фидойилари доимо эътиборда

Бехзод АҲМАДҚУЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

Қурилиш соҳаси ходимлари куни муносабати билан Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Дилшод Рўзमतов ташаббуси билан соҳада кўп йиллар давомида ишлаб, ҳалол меҳнати ва шижоати билан юртимиз ривожига ҳисса қўшган фидойилар ҳолидан хабар олинди.

Хусусан, Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида жон куйдириб меҳнат қилган соҳа вакиллари – Сергей Тянь, Ирина Базарова, Ҳасан Ботиралиев ҳамда Ашуррали Ҳўжақелдиев хонадонинда бўлган масъуллар улар билан дилдан сўхбат қуриб, ташаккурнома ва эсдалик совғаларини топширишди.



Қурилиш соҳасида йиллар давомида фаолият юритиб, юзлаб иморатларнинг барпо этилишида бош-қош бўлган, ўз маҳорати ва тажрибаси орқали уларнинг мустақам тарзда барпо этилишига ҳисса қўшган бу инсонлар ҳаммиша ардоқда. Ёш кадрларга ўз тажрибасини ўргатиш орқали қурилиш соҳасига малакали ходимларни тайёрлашда бош-қош бўлгани, бор билим ва маҳоратини бошқарларга улашгани туфайли улар жа-

моадолларининг ҳам ҳурматини қозонган. Қолаверса, бу фидойи мутахассислар машаққатли меҳнатлари билан вилотимизнинг гуллаб-яшнаши, кўплаб лойиҳалар асосида юртимизга кўрк қўшадиган иморатлар қад ростлашида ҳам катта матонат кўрсатган. Шу боис, уларнинг меҳнатини қанча эътироф этсак ҳам кам. Шарафли меҳнати туфайли улар бунданда ортик ҳурмат ва эътиборга муносиб.







## ЗИЁРАТ МАНЗИЛЛАРИ: сайёхларни мафтун этмоқда

Туризм – мамлакатни дунёга танитувчи, иқтисодий учун юқори даромад келтирувчи ва аҳоли бандлигини таъминловчи соҳалардан биридир. Шунинг учун олиб, Тошкент вилоятида ҳам туризм объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқлари, коммунал ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш, маданий-кўнгилочар инфратузилмаларни ривожлантириш, маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



## Равон йўллар манзилларга бехатар элтади

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

Йўл азобини йўлда юрган кишичалик ҳеч қандай қиллолма керак. Шунинг учун ҳам равон йўллар қуриб, одамларнинг мушкулени осон қилиш каби хайрли иш азалдан халқимизнинг шуурига сингиб кетган. Бугунги кунда ҳам бу анъана янада ривожлантирилиб, йўлсозлик соҳасида замонавий лойиҳаларни қўллаган ҳолда ҳайдовчилар ва йўловчилар учун қулай шароитлар яратилмоқда. Жиззах вилояти йўлсозлари ҳам бу борада кўплаб тадбирларни амалга оширяпти.

Маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда вилоят ҳудудларида 9 354 километр узунликдаги автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, унинг 2 601 километр қисми умумий фойдаланишдаги, 6 753 километрдан зиёди эса ички ҳўжалик йўллари-дир.

Кейинги йилларда вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси ҳамда унинг туманлардаги бўлими сарф-ҳаракати билан янги лойиҳаларга таянган ҳолда етмиш фойдаланиш асфальт-бетон қопламаси билан қопланди. Бундан ташқари, пидедалар йўлакчалари, велотрасаларнинг қурилиши ҳам бошқарма-бошқарма амалга оширилмоқда.

Урни келганда айтиш керак, йўлларни тартибга келтириш қатори кўприк қуриш ҳам осон иш эмас. Давлат дастурларига кўра, ички йўллар ва кўприкларни замонавий лойиҳалар асосида қайта қуриш ҳамда таъмирлаш юзасидан олиб борилаётган тадбирлар айниқса, диққатга сазовордир. Айни пайтда Жиззах вилояти ҳудудларида 758 та турли кўринишдаги кўприк мавжуд. Соҳада тажрибали мутахассислар жамлангани тўғрисида Жиззах ва Форш шаҳарлари, Фалларол, Дўстлик, Жиззах, Бахмал, Мирзачўл каби туманларнинг аксарият маҳаллаларидаги ички йўллар, кўприклар сифатли қурилиб, одамлар учун равон ва хавфсиз шароит яратилди.

Бу каби бунёдкорлик ишларида айниқса, "Зомин тумани йўллардан фойдаланиш" давлат муассасаси ишчи-ходимларининг алоҳида ўрни бор. Муассасада меҳнат қилаётган 220 нафарга яқин ишчининг катта қисми йўлсозлик соҳасида 30-40 йиллик тажрибага эга. Йиллар давомида ортирилган тажрибалари натижасида беш йил оралиғида ҳудуддаги барча маҳаллаларнинг ички йўллари тўлиқ тартибга келтирилди. Шу-

нингдек, корхонага қарашли "4Р40 Даштобод-Зомин" ҳамда "Бахмал-Фалларол" автомобиль йўлларининг 91 километри ва Даштобод шаҳарчасидан Зомин шаҳригача бўлган 24 километр йўл талаб даражасида таъмирланди. Шу кунларда ҳам мазкур манзилнинг 66-81 километрида реконструкция ишлари олиб борилаётган.

Йўлларни қуриш ва таъмирлаш баробарида жамоа йирик лойиҳаларни ҳам амалга татибқ этиб келяпти. Улардан бири, "Uzbekistan Airways" АЖ таркибидаги "Бино ва иншоотлар" бўлими қуриш дирекцияси МЧЖ буюртмаси асосида "Зомин" аэропортидаги учинчи-қўнғиш йўлаги узунлигини 1900 метрдан 2100 метрга узайтириш лойиҳасидир.

Жиззах вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси бўлим бошлиғи Алишер Саъдуллаевнинг таъкидлашича, зоминлик йўлсозлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Ҳозирда уларнинг иш тажрибаси вилоятда омаллаштирилган. Жамоада тажрибали ишчи-ходимларнинг кўплиги ва 70 дан ортиқ замонавий техника кучидан самарали фойдаланиш, қолаверса, корхонада янги технологиялар асосида асфальт ҳамда бетон ишлаб чиқариш цехлари мунтазам равишда ишлаб тургани ҳам қандай ишни ўз вақтида бажаришга имкон бермоқда.



## ТУФИЛГАН КУНИНГИЗ Муборак бўлсин!

2024 йил август ойининг 16-22 саналарида  
таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири вазифасини бажарувчи Шерзод Ҳидоятлов, Ижро нazorати бўлими бошлиғи Вағиф Манефов, Ичимлик ва оқова сув тизимларини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Азамат Нодиров, Давлат архитектура нazorати бошқармаси бошлиғи Нодир Режабоев, "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Ийғна таҳлил ва методология бошқармаси етакчи мутахассиси Акмалова Бахрамов, етакчи мутахассиси Дилфуза Абдураҳмонова,

"Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi" бош бухгалтери Жалолдин Матчанов,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Таълим хизматларини кўрсатиш бўлими бош мутахассиси Шухрат Джуманазаров, фаррош Фотима Иргашова,

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси ҳайдовчиси Баҳодир Уктамов, етакчи мутахассислар Шаҳрух Ташпулатов, Рашидбек Бахрамов, "Жанубий" филиали муҳандиси Баҳодир Бобоқулов, "Наввий" филиали бош мутахассиси Одиш Эшиноёзов,

"Узоғирсаноятлоийҳа" АЖ сектор раҳбари Улғабек Сиддиков, катта муҳандис Арофат Эрматов, бўлим бошлиғи Нодиржон Қундубоев, бош мутахассис Темучин Амирсидов, катта муҳандис Султон Сунатов, етакчи мутахассиси Тамара Алёшина,

"O'sshaharsozlik LITI" бош лойиҳа институти ДМ Бухоро филиали етакчи архитектори Фазлидин Худойбердиев, Смета ва нархларни шакллантириш бўлими бошлиғи уринбосари Ҳожиакбар Икранов, Тизимли таҳлил, нazorат ва хатлар бўлими бошлиғи Жаҳонгир Жумаев, Техник бўлим 1-тоифали мутахассиси Барвара Соё, Илмий-тадқиқотлар ва инновациялар бўлими бошлиғи Баҳодир Содиқов, Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқариш бошқармаси 5-ўстахонаси муҳандиси Уткирбек Уктамов, Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқариш бошқармаси 3-ўстахонаси гуруҳ мудири Абдулазиз Азимов,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий нazorат қилиш инспекцияси Диспетчерлик хизмати оператори Руслан Худойбердиев,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси кассири Мадина Абдуллаева, ҳайдовчи Камол Тўрақулов, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий нazorат қилиш инспекцияси бош инспектори Умар Джабаров,

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий нazorат қилиш инспекцияси мутахассиси Жўрабек Лапасов,

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий нazorат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси Элёр Жовлиев,

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими фаолиятини мувофиқлаштириш шўбаси бошлиғи Музаффар Артиков,

Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Абдулазиз Қуролов,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи уринбосари Авазбек Маданинов, Архитектура ва ҳудудларни режалаштириш бўлими бош мутахассислар Жаҳонгир Низомиддинов, Исламбек Каримов, Жасурбек Маданинов,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Кўп квартиралар уйлари бошқарши тизимини ривожлантириш ва реновация лойиҳаларини амалга ошириш шўбаси бош мутахассиси Шухрат Палванов, Ичимлик суви, оқова сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш шўбаси бош мутахассиси Рустам Палванов, Девонхона ва ижро нazorати бўлими бош мутахассиси Алишер Юсупов, слесарь-сантехник Рафал Илясов,

Қорақалпоғистон Республикаси "Тахиятат ысылық тармақлари" МЧЖ Режа-техник бўлими бошлиғи Динара Туханова,

Наманган вилояти Поп туманидаги "Рамзан Олтинков" МЧЖ БСК бош директори Холбуважон Бариев,

Сирдарё вилояти Ховос туманидаги "Шоҳзамон таъмирлаш тиклаш хизмат" МЧЖ БСК бош директори Моҳинур Махаммадиева,

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги "Коммунал кластер плюс" МЧЖ БСК бош директори Аликбек Ҳўжақулов, "Star Kommunal Service Professional Boshqaruв Kompaniyasi" МЧЖ бош директори Адолат Абдикодировларни таваллуд қилиш билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК,  
УЗОҚ УМР,  
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,  
МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA  
**O'ZBEKISTON BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров  
(Тахрир хайъати раиси),  
Шерзод Ҳидоятлов,  
Давронжон Адиллов,  
Тоир Алиматов,  
Озода Жўраева,  
Козим Туляганов,  
Юлдаш Мағрупов,  
Жамшид Исмаилов,  
Бобир Элмуродов,  
Қудратбек Хошимбеков.

### ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир уринбосари **Райҳона Ҳўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махаммов**

Мусахҳих **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" **НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ** томонидан **нашрга тайёрланди.**

### "ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ" **НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ** МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик, "Узсаноятқурилишматериаллари" уюшмаси, "УзАШҚЛИТИ" ДУК, "УзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК, "Қишлоқ қурилиш инвести" ИК МЧЖ, "ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

### ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.  
**Телефонлар:**  
71-241-01-29 (қабулхона),  
71-241-01-43 (тахририят),  
71-241-01-29 (бухгалтерия),  
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими),  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

### ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ **ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.  
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.  
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.  
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.  
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.  
**Наввий вилояти:** 99-731-17-40.  
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.  
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.  
**Сирдарё вилояти:** 94-916-99-77.  
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.  
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.  
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-841. 1523 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

### КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

**Набатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.  
**Набатчи** – М. Зайриддинов.

ЎзА якуни – 21.20.  
Топширилди – 22.50.

Газетанинг навбатдаги сонини 2024 йил 23 август куни чиқади.